

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИТОВ ЭЛЁР БАХРИДДИНОВИЧ

**НИКЕЛ КИРИШМА АТОМЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН КРЕМНИЙ
АСОСИДА САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ ФОТОЭЛЕМЕНТЛАР
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ОЛИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по технический наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of
technical sciences**

Саитов Элёр Бахриддинович

Никел киришма атомларига эга бўлган кремний асосида самарадорлиги юқори фотоэлементлар технологиясини яратиш ва олиш..... 3

Саитов Элер Бахриддинович

Разработка технологии и получение высокоэффективных фотоэлементов на основе кремния с примесными атомами никеля..... 29

Saitov Elyor Bakhriddinovich

Development of technology and production of highly effective silicon-based photocells with impurity atoms of Nickel 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИТОВ ЭЛЁР БАХРИДДИНОВИЧ

**НИКЕЛ КИРИШМА АТОМЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН КРЕМНИЙ
АСОСИДА САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ ФОТОЭЛЕМЕНТЛАР
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ОЛИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зикриллаев Нурулло Фатхуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдукодиров Муҳиддин Абдурашидович**
техника фанлари доктори, профессор

Тагаев Марат Баймуратович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.FM./T.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (99871) 246-46-00, факс (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz, ТДТУ «Электроника ва автоматика» факультети 232-хона).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.К.Боходирхонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор, академик.

Б.Э.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор.

А.Рахматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари. т.ф.д., катта илмий ходим.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, бугунги кунда дунё бўйича, олимлар ва мутахассислар эътиборини кенг жалб этмоқда. Бу соҳага бўлган қизиқиш, бир томондан экологик жиҳатдан тоза ва арзон энергияни олиш бўлса, иккинчи томондан анъанавий энергия манбаларининг ердаги захираларининг чекланганлиги ва тугаб бориши билан боғлиқдир. Шу сабабли, муқобил энергия манбалари ичида, қуёш энергиясидан фотоэлектрик ўзгартиргичлар асосида электр энергиясини олиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда дунёда муқобил энергия манбаларини ривожлантиришда, фотоэлементларни олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий изланишларни қуйидаги йўналишларда олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади: яримўтказгич материалларини киришма атомлари билан лигерлаб фотоэнергетика учун янги турдаги яримўтказгич материалларини яратиш; чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қиладиган киришма атомларни кремнийга киритиш асосида микро ва нанокластерларни шакллантириш; олинган материаллар асосида самарадорлиги юқори бўлган фотоэлементларни олиш технологиясини такомиллаштириш; Шоттки микро тўсиғи асосидаги фотоэлементларнинг электрофизик параметрларини ҳарорат ва радиация таъсирига чидамлилигини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқиш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳамда инновация ютуқларини амалиётга кенг тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига катта аҳамият берилган. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш» йилида олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, кремний материали ҳажмида киришма атомларининг кластерларини ҳосил қилиб, унинг электрофизик параметрларини яхшилаш ҳамда электроника соҳасида янги синф асбоб ва қурилмаларини яратиш бўйича катта илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, микро ва нанокластерли кремний материалларининг янги хоссаларини кашф қилиш ва унинг хусусиятлари асосида тубдан янги бўлган фотоэлементларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ–4947-сон Фармонининг 4-банди, 2017 йил 13 февралдаги «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги ПҚ–2772-сон ҳамда 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академиясининг фаолиятини,

илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2789-сон Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таниқли олимлардан В.П.Афанасьев, Ж.И.Алфёров, М.В.Андреев (Россия) яримўтказгич материалларига киришма атомларини киритиш орқали юпка қатламлар олиш ва уларнинг фотоэлектрик параметрларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Бундай технологиялар ва улар асосида олинган фотосезгир материалларнинг хусусиятлари Н.Л.Dugand, Р.Е.Balzhiser ва К.Г.Ross (Америка) каби таниқли олимлар томонидан назарий ва амалий жиҳатдан яхши ўрганилган. Улар томонидан фотоэлементларни тайёрлаш технологиясининг назарияси, фотоўтказувчанлик механизми ва кинетикаси асосида тушунтириб берилган ҳамда амалиётда фотосезгир материаллар олинган. Бундан ташқари олимлар томонидан фотоэлементларнинг конструкциялари, фотосезгирлик эффекти, фотоўтказувчанликнинг инфрақизил нур ва ҳарорат таъсирида сўниши каби фотоэлектрик ходисалар кузатилган ва уларнинг рўй бериш механизмлари назарий асосланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонлик олимлардан академиклар М.К.Баҳодирхонов, С.Зайнобидинов ва Р.А.Мўминов ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан кремнийга кластерлар ҳосил қилувчи киришма атомларини киритиш билан фотоэлементларнинг спектрал ютиш соҳасини кенгайтириш имкониятлари илмий асослаб берилган. Профессор М.Н.Турсунов раҳбарлигида, фотоэлектрик модулларининг конструкцияларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Кремний ҳажмида микро ва наноўлчамли структураларга эга бўлган материаллар олишда, кластерларнинг тартибланиши билан боғлиқ физик ходисаларни ўрганишга бағишланган, назарий ва амалий тадқиқотларининг тахлили бу соҳанинг имкониятлари янада кенглигини кўрсатди. Бироқ шу даврга қадар яримўтказгич кристалл панжарасида ҳосил бўлган микро ва нанокластерли кремнийнинг фотоэлектрик хусусиятлари, параметрларининг деградацияси ҳамда ҳарорат ва радиация таъсирига чидамлиги ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университети «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедрасининг илмий тадқиқот режасига мос бўлиб,

MT-83/2013 рақамли «Нановаризон структурали кремний асосида спектрал сезиш соҳаси кенг бўлган (0,1÷3 мкм) янги турдаги фотоэлементларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш» (2014–2015 йй.) мавзусидаги Ўзбекистон – Туркменистон халқаро илмий-тадқиқот лойиҳаси ҳамда Ф2-44 рақамли «Яримўтказгичларда киришма атомларининг ўз-ўзини шакиллаштириш механизмини ва уларнинг параметрларини бошқаришни тадқиқ қилиш», (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади никел киришма атомларининг тартибланган микро ва наноструктураларга эга кремний материални олиш технологияси асосида самарадорлиги юқори фотоэлементларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремний асосидаги фотоэлементларни кўшимча никел киришма атомлари билан диффузия қилинганидан сўнг, ҳароратли ишлов бериб, замонавий усуллар ёрдамида, киришма атомларининг кремний материалда жойлашиши, таркиби, тақсимоти ва шаклланишини аниқлаш;

кремний пластиналарида никел микро ва нанокластерларини шакллантириш ва кўшимча равишда юқори ҳароратли ишлов бериб фотоэлементларнинг электрофизик параметрларини ҳарорат таъсирида деградациясини ўрганиш;

никел киришма атомлари кластерларига эга фотоэлементларнинг электрофизик параметрларини γ – нурланиш таъсирига барқарорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электроника саноатида фойдаланилган КЭФ-4,5; КЭФ-40; КДБ-0,5; КДБ-10 маркали кремний монокристалларини пластиналари танлаб олинди. Киришма атомлари сифатида никел элементи танланди. Унинг электрон структураси $1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^6 3d^8 4s^2$ бўлиб, диффузия жараёнида тозалиги 99,9999 даражада бўлган Ni атомлари ишлатилган.

Тадқиқотнинг предмети монокристалл кремний панжарасида никел атомларининг текис занжирсимон тақсимланган фотосезгир хусусиятли нанокластерларини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари никел киришма атомлари кремний материалга диффузия қилинганидан сўнг пластиналарни кўшимча 600, 700, 800, 900, 1000, 1100 °C ҳароратларда қиздириш усулидан фойдаланилган. Фотоэлементлардаги p-n ўтиш юқори ҳароратли диффузия асосида шакллантирилган. Кремний намуналаридаги никел киришма атомларининг ҳолатини аниқлашда Oxford Instruments ZEISS EVOMA10 маркали микроэлементларни таҳлил қилувчи растерли электрон микроскоп, Solver-Pro маркали атом кучлари микроскопи, X'Pert Powder маркали дифрактометр ҳамда МИК-5 маркали инфракизил микроскопдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

кремний материалларининг ҳажми бўйича тенг тақсимланган ва электрофизик параметрлари бошқариладиган никел киришма

атомларининг тартибланишга имкон берадиган икки босқичли диффузия жараёнининг технологияси мукаммаллаштирилган;

фотоэлементлардаги фотоўтказувчанликда заряд ташувчиларнинг туннел ўтиш эффектини кузатиш учун, никел нанокластерлари ўртасидаги масофаларни ҳажм бўйича тенг тахсимланишига имкон берадиган технология яратилган;

қўшимча ҳароратли ишлов берилган, турли кластер концентрацияларига эга бўлган, материаллар асосида фотоэлементлар тайёрланган ва уларнинг электрофизик параметрлари аниқланган;

никел киришма атомлари кластерларига эга кремний асосида яратилган, фотоэлементларнинг самарадорлиги ҳамда уларнинг параметрларини ҳароратга чидамлилиги ва радиацион нурланишга барқарорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монокристалл кремний панжарасида никел киришма атомларининг тартибланиши билан боғлиқ бўлган микро ва нанокластерларни ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

никел киришма атомларининг микро ва нанокластерлари таъсирида кремнийнинг спектрал сезгирлик соҳасини ошириш усули ишлаб чиқилган. Бу, ўз навбатида кремний асосида самарадорлиги юқори бўлган фотоэлементлар технологиясини ишлаб чиқиш имконини берган;

назорат намуналарига нисбатан, никел атомларининг кластерлари мавжуд бўлган фотоэлементларнинг параметрларини ҳароратга барқарорлиги ва радиацияга чидамлиги ҳисобига ФЭларнинг самарадорлиги юқори бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларни ўлчаш ва ишлов беришда, бир бирига боғлиқ бўлмаган замонавий усуллар ва қурилмаларнинг мажмуасидан фойдаланилган ҳамда олинган натижалар, яримўтказгичлар физикаси ва техникасини замонавий йўналишларига мослиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қўшимча ҳароратли ишлов бериш таъсири натижасида никел киришма атомларининг кластерларини тартибланиши.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, никел киришма атомларининг кластерлари ҳисобига фотоэлементларнинг спектрал сезгирлик соҳасини кенгайтириш, ФЭларнинг самарадорлигини ошириш ва параметрларининг деградацион хусусиятларини яхшилаш.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Никел киришма атомларининг тартибланган микро ва наноструктураларга эга кремний материалларини олиш технологияси асосида, самарадорлиги юқори бўлган фотоэлементларни ишлаб чиқиш таклиф этилган;

никел киришма атомлари КДБ-0,5; КДБ-10; КЭФ-4,5; КЭФ-40 кремний материалларига юқори $T=1220$ °С ҳароратда киритилган бўлиб, ҳосил бўлган никел кластерларига эга материалларни қўшимча 1100, 1000,

900, 800, 700 ва 600 °С ҳароратларда ишлов беришда олинган илмий натижалар «FOTON» акциядорлик жамиятида киришмалар билан лигерланган кремнийга қайта ҳароратли ишлов беришда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциянерлик компаниясининг 2018 йил 9 июлдаги №02-1517 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларни қўлланилиши кремнийда нафақат никел кластерларининг ҳосил бўлишини, балки киришма атомларининг кластерларини тартибланиш имкониятини берган;

кремний материалларининг ҳажми бўйича тенг тақсимланган ва электрофизик параметрлари бошқариладиган никел киришма атомларининг тартибланишига имкон берадиган икки босқичли диффузия жараёнининг технологияси мукаммаллаштирилган бўлиб, «FOTON» акциядорлик жамиятида киришма атомларнинг нанокластерларини тартибли шакллантиришда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциянерлик компаниясининг 2018 йил 9 июлдаги №02-1517 рақамли синовдан ўтказилганлиги бўйича маълумотнома мавжуд). Илмий натижалардан фойдаланиш никел киришма атомлари билан лигерланган ФЭларнинг параметрларини ҳароратга ва гамма нурланишига барқарорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 16 та илмий – амалий анжуманларда, 9 та ҳалқаро ва 7 республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий нашрлари натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий ишларда 12 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзуни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар таҳлили»**га бағишланган биринчи бобида, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида, киришма атомларининг структураларини яримўтказгич материалларининг фотоэлектрик хоссаларига таъсирини ўрганишдаги муаммолар таҳлил қилинган.

Мавжуд назарий ва амалий маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.


Ишни бажаришда ва тадқиқот вазифаларини белгилашда асосий амалга оширилиши режалаштирилган илмий изланишлар кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардан иборат: фотоэлементларни ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва асосий муаммоларини аниқлаш; наноструктураларни яримўтказгичлар асосида яратилган фотоэлементларнинг электрофизик параметрларини тадқиқ қилиш; замонавий фотоэлементларнинг самарадорлигини чекловчи асосий омилларни тадқиқ қилиш ва уларнинг ечимини ҳал қилишга бағишланган.

Диссертациянинг **«Никел атомлари кластерларига эга фотоэлементларни тайёрлаш технологияси»** деб номланган иккинчи бобида, кремний панжарасида никел киришма атомларининг кластерларини шакллантириш технологиясини яратиш, кремний ҳажмидаги наноструктураларнинг тақсимотини аниқлаш, замонавий усуллар ёрдамида никел киришма атомлари кластерларининг тузулиши, таркиби ва концентрациясини ўрганиш ҳамда уларни бошқариш имкониятларини аниқлаш, талаб этилган электрофизик параметрга эга ФЭлар олиш технологиясини яратиш ҳақидаги маълумотлар берилган.

Намуналарнинг асосий электрофизик параметрлари Холл усули ёрдамида аниқланган. Олинган намуналарнинг фундаментал параметрларини аниқлашда МИК-5 инфрақизил микроскоп таҳлили, Oxford Instruments ZEISS EVOMA10 маркали микроэлементларни таҳлил қилувчи электрон микроскоп, Solwer-pro маркали атом кучлари микроскопи сингари, замонавий усуллар ва рентген нурлари асосида ишлайдиган X'Pert Powder дифрактометр қурилмасидан фойдаланилган.

Фотоэлементларнинг электрофизик параметрларини яхшиланиши никел киришма атомларининг концентрацияси ҳисобига ҳосил бўлган микро ва нанокластерлар асосида Шоттки микро потенциал тўсиқларини шаклланиши билан тушунтирилган. Самарадорлиги юқори

фотоэлементларни олишда бошланғич материалнинг оптимал электрофизик параметрлари ва технологиясини аниқлашдаги катталиклар кўрсатилган.



a - ФЭларнинг $U_{c.ю.}$ салт юриш кучланиши $p - n$ ўтиш чуқурлигига боғлиқлиги.
б - ФЭларнинг $I_{к.т.}$ қисқа туташув токини $p - n$ ўтиш чуқурлигига боғлиқлиги.
 1)КДБ-0,5; 2)КЭФ-4,5.

1 - расм. ФЭларнинг қисқа туташув токи ва салт юриш кучланишининг қиймати, $T=300\text{ K}$

Никел киришма атомларини эрозиясиз диффузия қилиш жараёнида, сиртдаги киришма атомларининг концентрацияси $N=10^{18}\text{ см}^{-3}$ дан кўп бўлмаслиги ва $T=1280\text{ }^\circ\text{C}$ дан юқори бўлмаган ҳароратда олиб борилиши, керакли аниқланган.


Ишлаб чиқилган технология асосида кремний пластиналарига фосфорни диффузия қилиш орқали, ФЭларни тажриба намуналари лаборатория шароитида яратилган. Бу технология ёрдамида изотип ва $p-n$ ўтишлар шакллантирилган. Кремний намуналарининг сирт қаршилиги қийматларини диффузион қатламлардаги, ўзгариши $\pm 5 \div 10\%$ ни ташкил этган. Диссертация ишида n ва p турдаги заряд ташувчилар концентрацияси $N=10^{15}\text{ см}^{-3}$ дан $2 \times 10^{16}\text{ см}^{-3}$ гача бўлган, монокристалл кремний пластиналари асосида тайёрланган фотоэлементлардан фойдаланилган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ФЭларнинг қисқа туташув токи ва салт юриш кучланишининг қийматлари 1-расмда кўрсатилганидек $p - n$ ўтиш чуқурлиги $0,8 - 1\text{ мкм}$ га тенг бўлганда $I_{к.т.}$ қисқа туташув токи максимал қийматга эришди. $p-n$ ўтиш чуқурлиги 6 мкм гача бўлганда, ФЭларнинг қисқа туташув токининг ўзгариши сезиларли бўлмади. Олинган натижалар қисқа туташув токини $I_{к.т.}$ кескин тушиб кетиш ҳолатларини олдиндан билиш имконини берди. Дастлабки, солиштира қаршилиги катта бўлган намуналарга киришма атомлар киритилганидан сўнг намуналарнинг солиштира қаршилиги кичик бўлди. $0,5\text{ мкм}$ дан кичик чуқурликда бўлган $p-n$ ўтишли ФЭларда $U_{c.ю.}$ ва $I_{к.т.}$ нинг юқори қийматларга эришиши аниқланган бўлиб, бу кичик чуқурликларда сирт структураси билан $p-n$ ўтиш чуқурлигини ўзаро боғлиқ кетиши билан изоҳланган. Намуналарда сирт нуқсонларининг пайдо бўлишига қуйидагилар сабабчи бўлади: кимёвий ишлов беришда; диффузия

жараёнида; қўшимча ҳароратларда қиздиришда; турли хил қалинликдаги оксид қатламлар олишда ва бошқа технологик жараёнларда нуксонларнинг юзага келиши.

ФЭларни тайёрлашда дастлабки КДБ-0,5 ва КЭФ-4,5 материалларидан фойдаланганда $U_{с.ю}$ ва $I_{к.т.}$ юқори қийматларга эришиди. Фотоэлементнинг ВАТ- (вольт ампер таснифи)ни тўлдириш коэффиценти (FF - филь фактор) КЭФ-4,5; КДБ-10; КЭФ-40 маркали яримўтказгич материалларида юқори эканлиги аниқланди. Фотоэлементларни яратишда КЭФ-4,5 ва КДБ-10 маркали солиштирма қаршиликли кичик бўлган дастлабки яримўтказгич материалларидан фойдаланилганда улар асосида тайёрланган ФЭларни кетма-кет улаб катта қаршиликка (R_s) эга бўлиш мумкинлиги кўрсатилди. Натижада $I_{к.т.}$ ни пасайиши кузатилади ва танланган кам миқдордаги концентрацияли киришма атомларни намунага киритганда, жуда кичкина микро Шоттки потенциал тўсиқлари вужудга келди ва бу ўз навбатида $U_{с.ю}$ ни бир неча бор пасайишига сабаб бўлди.

p – n ўтишга эга бўлган ФЭларнинг сирт қаршилигини диффузия ҳарорати ва вақтига боғлиқлиги 2-расмда берилган.



а - p турдаги таглик фосфор атомлари билан диффузия қилинган;
б - n турдаги таглик бор атомлари билан диффузия қилинган.


2-расм. ФЭларнинг сирт қаршилигини диффузия вақти ва ҳароратга боғлиқлиги, $T=300\text{ K}$.

Кремний намуналарини лигерлашда маълум бир ҳарорат оралиғида никел кластер сутруктураларининг тартибланиши ва уларнинг электрофизик катталиклари ўрганилганда, Шоттки диод таснифига ўхшаш ВАТ олинган. Кремний намунасининг сиртига ўтказилган никел атомларининг юпқа метал қатламини, ҳароратли ишлов бериш натижасида Шоттки микро потенциал тўсиқни ҳосил қилиши аниқланган. Ni киришма атомлари киритилган Si намуналарини турли ҳароратларда қўшимча ишлов бериб, сўнгра уларнинг вольт - ампер таснифи ўлчанди. Олинган тажриба натижаларининг таҳлили асосида никел киришма атомларининг турли ҳароратлардаги тақсимоти ва ўзаро фарқлари аниқланган.

Кремний намунасининг бутун сиртидаги наноструктурали қатламини ВАТни аниқлашда икки хил контакт олинди. Биринчи вольфрам симдан тайёрланган зонд (W-зонд), иккинчи силлиқланган алюмин (Al-қатлам) сиртдан фойдаланилди.

Бунда ўрганилаётган намунанинг сиртида х-у-з ўқлари бўйича, зонд эркин ҳаракатлана оладиган қилиб яратилди. Зонд вольфрам симнинг бир учи микрон ўлчамида тригонал пирамида шаклида, иккинчи учи пурижинали бўлиб, контактга маҳкамланди.

3-расмда зонд усулида яримўтказгич намуналарнинг ВАТни ўлчаш қурилмасининг электр схемаси ва конструкцияси кўрсатилган. Қурилма қуйидагилардан иборат: 1-таглик; 2-намуна турувчи сирт; 3-зондни ушлаб турувчи мослама; 4- зондни икки томонлама йўналтирувчи мослама; 5- намуна сиртини сиқиб турувчи таянч; 6-таянч сиртга маҳкамланган пластина (полировка қилинган); 7- пластина сиртига қўйиладиган юпқа алюмин қатлам.



3-расм. Зонд усулида вольт ампер таснифини ўлчовчи қурилманинг электр схемаси ва конструкцияси.

ВАТни ўлчашда ФЭ пластинага жойлаштирилган юпқа алюмин қатлам ва вольфрам зонд орасига қистирилади. ФЭнинг ВАТни ўлчашда иккита контакт олинди. Булардан биринчиси алюмин юпқа қатлам бўлиб, қатламни камида $S=10^{-2}$ см² сиртига намуна тегиб туриши талаб этилади. Иккинчи контакт вольфрам симдан тайёрланган бўлиб, зонднинг уч қисмининг сирти $S=6\div 7$ мкм ни ташкил этди.

Қурилма ёрдамида ВАТни ўлчаш никел киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналари сиртининг энг камида учта нуқтасида амалга оширилди ва ўртачаси олиниб натижалар сифатида ёзиб борилди ҳамда графиги чизилди. ФЭнинг ёруғлик сезувчи сиртлари зонд ёрдамида аниқланди¹.


Яримўтказгич намуналари сифатида КЭФ-4,5;КЭФ-40 ва КДБ-0,5; КДБ-10 маркали, кристалл йўналиши (111) бўлган монокристалл кремний пластиналари таглик сифатида танланди. Кремний намунаси икки томонлама қалинлиги 40 ± 20 мкм дан сайқалланди (палирофка қилинди), унинг ғадир будурлиги 10 nm ни ташкил этди.

Намуналарда пайдо бўлган, оксид қатламни олиб ташлаш мақсадида водород фторид (HF) кислотасида чайиб олинди. Намуналарига $8\pm 0,5\times 10^{-5}$ Торр босимдаги вакуум шароитида никел (Ni) атомларининг метал қатламлари учуриб ўтказилди. Металл қатламлар вакуумда спералсимон

¹Старосельский В.И. Физика полупроводниковых приборов микроэлектроники: учеб.пособие. – М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. С. 32.

Ўралган вольфрам сим ёрдамида юқори ҳароратда учирилди. Олинган қатлам қалинлигини назорат қилиш учун намунанинг бир нуқтаси танлаб олинди. Буғланиш усули билан бутун сирт бўйлаб текис қатлам тақсимланган деб, танлаб олинган нуқтада аниқланган қалинлик пластинанинг умумий сиртидаги қатлам қалинлигига тенг деб қабул қилинди. Намуна сиртига Ni атомларини пуркашдан олдин, кўз илғамас ифлосликларни тозалаш мақсадида пластиналар $T=50 \div 300$ °C гача ҳарорат оралиғида қиздирилди.

Намунанинг ВАТни ўлчашда вольфрам W зонд-манфий, силлиқланган алюмин диск мусбат ташқи контактга уланди. Намунанинг вольт ампер таснифини олишда -3 дан +3 гача Вольт кучланиш берилди. Кремний таглиги билан алюмин диск ва вольфрам зондга берилган кучланишлардаги ВАТ 4-расмда келтирилган. Тасвирдан кўриниб турибдики, Ni атомлари кластерларига эга бўлган ФЭлар ВАТнинг кўриниши Шоттки диодининг ВАТ га ўхшашлиги аниқланди.



а - кластерларига эга бўлмаган ФЭнинг ВАТ;

б - никел микро ва нанокластерларига эга бўлган ФЭнинг ВАТ.


4-расм. ФЭларни зонд усулидаги ВАТ ($T=300$ К).

Кремний намунасидаги Ni киришма атомларининг кластерларини, турли юқори ҳароратларда ($600 \div 1100$) °C қўшимча ҳароратли ишлов бергандан сўнг, сиртда ҳосил бўлган Шоттки микро потенциал тўсиқларининг тўплами деб қабул қилиш мумкин. Турли ҳароратларда намуналарга ҳароратли ишлов бергандан сўнг, намуна сиртида Ni атомлари кластерларининг ўлчамларини катталашини ва ВАТ токни ўсиб бориши кузатилди. ФЭни сирти бўйича ВАТ ўлчанганда, баъзи нуқталарда токни кескин ошиб кетиши ва бошқа нуқталарда токни омик ўзгаришини Ni киришма атомларининг кластерларининг структуралари, яъни микро ва нанокластерлар асосидаги микро Шоттки потенциал тўсиқларини сирт бўйича тақсимланганлиги билан боғлаб тушунтирилди. Кремний

намуналарига 1, 2 ва 3 соат қўшимча ҳароратли ишлов берилганда, уларнинг ВАТда фарқлар кузатилди.

2 соат давомида ҳароратли ишлов берилган намуналарга нисбатан, 3 соат давомида ҳароратли ишлов берилган намуналарнинг ВАТда токни кескин ўсиши кузатилди. Бунда сиртдаги наноструктураларнинг миқдори 0,5 % ни ташкил этди. Намунага қўшимча ҳароратли ишлов беришда ҳарорат қанча юқори бўлса, микро Шоттки потенциал тўсиқдаги токнинг ўсиши шунча тик бўлиши аниқланди. Диффузия жараёнида ҳосил қилинган Ni атомларининг кластерларини қўшимча ҳароратли ишлов берилганидан сўнг кластерларнинг тартибли тузилмаларини шаклланиши кузатилди.


5-расмда атом кучлари (АКМ) микроскопи ёрдамида олинган кремний намунасидаги Ni киришма атомлари ҳосил қилган кластерларнинг тасвири келтирилган.



a - назорат намунасининг сирти;
б - $T=700\text{ }^{\circ}\text{C}$; *в*- $T=800\text{ }^{\circ}\text{C}$;
з - $T=900\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратли ишловдан сўнг.

5-расм. Ni киришма атомлари кластерларига эга бўлган ФЭни сирт топологиясининг АКМда олинган тасвири.

ФЭ пластиналарида никел киришма атомларининг кластерларини ҳажм бўйича тақсимооти МИК–5 маркали инфрақизил микроскоп ёрдамида, ўрганилди ва кластерларни сиртда ҳамда ҳажмда мавжудлиги яъна бир бор ўз тасдиғини топди. *б* – расмда кремний намунасида никел атомларининг кластерларини ҳажм бўйича тақсимооти келтирилган.



6-расм. Диффузиядан кейин турли ҳароратларда ишлов берилган ФЭ ҳажмидаги Ni киришма атомларини тартибсиз жойлашиши (МИК-5)

Тажриба натижалари асосида маълум бир ҳароратлар оралиғида никел кластерларини кремний ҳажмида нафақат ҳосил қилиш, балки тартибланган микро ва нанокластерлар олиш имконияти мавжудлиги очиб берилди. 7-расмда диффузиядан кейин $T=900\text{ }^{\circ}\text{C}$ қўшимча ҳароратда ишлов берилганда ФЭларни ҳажмида никел киришма атомларининг тартибли жойлашишини кўрсатувчи тасвирлар келтирилди (МИК-5).

Яримўтазгичли материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу киришма атомларини киритиш орқали, уларнинг элементар кристалл панжараларининг структурасини ўзгаришига олиб келишидир. Қуйида, тажриба натижаларида ФЭлар X'Pert Powder маркали дифрактометр қурилмаси ёрдамида ҳам ўрганиб чиқилди.




7-расм. Диффузиядан кейин $T=900\text{ }^{\circ}\text{C}$ қўшимча ҳароратда ишлов берилганда ФЭ ҳажмидаги никел киришма атомларини тартибли жойлашиши (МИК-5).

Рентген нурлари асосида ишлайдиган X'Pert Powder дифрактометр қурилмасида ФЭларни ўрганиш учун олдин улар кукун ҳолатига келтирилиб сўнгра тадқиқотлар амалга оширилди. Бу қурилма $0\div 360^{\circ}$ бурчак остида намуналарга рентген нурларини Θ - Θ таъсир эттириш мумкин. Намуналар ўрганилган дифрактометр қурилмаси маълум бурчак остида юқори аниқликда ишлайдиган оптик кузатув (DOPS) ҳамда юқори сифатли оптик модуллаш ва калибрлаш тизимига эга бўлиб, ноёб юқори сифатли рентген трубкаси ўрнатилган².

²В.В.Стрельчук и др. Рентгеновская дифрактометрия и сканирующая микро-рамановская спектроскопия неоднородностей структуры и деформаций по глубине многослойной гетероструктуры InGaN/GaN. Физика и техника полупроводников, 2010, том 44, вып. 9


8-расмда таркибида никел атомларининг кластерлари бўлган ФЭларга қўшимча 600, 800, 900, 1100, 1220 °С ҳароратларда ишлов берилган ҳамда таркибига никел киришма атомлари киритилмаган дастлаб олинган ФЭларни ҳам бир хил шароитларда ўтказилган тажриба натижалари келтирилди.



8-расм. 26° – 30° градус бурчаклар остида ФЭларда X'Pert Powder дифрактометрда олинган спектр тасвир.


Бир хил бурчакда рентген нурлари юборилганда дастлабки ФЭнинг спектр чўққилари билан никел атомларининг кластерларига эга бўлган кремний ФЭларида олинган, спектр чўққилар ўзаро солиштириб кўрилди. Бунда, 20° дан 80° бурчаккача бўлган спектр чўққиларини ўзаро солиштириш мақсадида улар устма уст жойлаштирилди. 9 – расмда турли ҳароратларда ишлов берилган ФЭларнинг 26° – 30° бурчаклар остидаги спектр чўққиларини солиштиришдаги тасвир келтирилди. Тажриба натижаларининг таҳлили асосида, ФЭлардаги кластер-кремний структурасини металл-яримўтказгич структурасига ўхшаш деб қараш мумкинлиги таклиф этилди. Дифрактометрда олинган спектр чўққиларини солиштиришда назорат учун қўйилган ФЭнинг спектрига нисбатан таркибида никел киришма атомларининг кластерлари бўлган ҳамда 900 °С ва 1100 °С ҳароратларда қиздирилган ФЭларнинг спектрларини маълум бурчакка сурилиши микро ва нанокластерлар ҳисобига микро Шоттки потенциал тўсиқларини ҳосил бўлиши билан тушунтирилди.

Ишқорий емирувчилар ёрдамида сиртда ҳосил қилинган текстураларнинг ҳолатини тадқиқ этишда аниқ ҳарорат ва аниқ вақт давомида мос таркибдаги емирувчилар ёрдамида силлиқланган монокристалл кремний асосидаги ФЭларнинг сиртидаги кластерларни EVO MA10 маркали электрон микроскоп ёрдамида визуал кузатишлар амалга оширилди. 9-расмда Oxford Instruments ZEISS EVOMA10 маркали микроэлементларни таҳлил натижалари қилувчи электрон микроскоп ёрдамида никел киришмаларига эга бўлган ФЭлар таркибининг таҳлилин натижалари келтирилди.



а

Б



в

г

а - сиртда никел кластерларининг тақсимооти; б - кластерлар мавжуд бўлмаган нукта;
в - никел кластерининг таркиби Ni=9,5 % ; г - никел кластерининг таркиби Ni=15 %.

9-расм. Oxford Instruments ZEISS EVOMA10 маркали микроскоп ёрдамида олинган никел кластерларига эга ФЭларни сирт таркиби

Олинган натижалар асосида ФЭларнинг таркибида никел киришма атомлари кластерларининг ҳақиқатдан мавжудлиги ҳамда кремнийда никел кластерларининг таркиби 9÷15% ни, хатолик даражаси $\sigma=0,1\div0,2\%$ гача эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Никел атомлари кластерларига эга кремний асосидаги фотоэлементларнинг параметрларини аниқлаш**»га бағишланиб, таркибида никел киришма атомларининг кластерлари эга бўлган кремний асосидаги фотоэлементларнинг асосий параметрларининг ўзгаришларини ўрганиш натижалари келтирилган.

ВАТ қурилмаси ФЭларнинг $I_{к,т}$ токи ва $U_{с,ю}$ кучланишини ўлчашга асосланган бўлиб, бунда токнинг йўналишини ўзгартириш мумкин. Қурилма фотоэлементнинг қоронғуликда ёки ёруғликдаги вольт-ампер таснифларини ўрганишга имкон беради. ВАТ ўлчашни соддалаштириш учун 2 координатали ўзи ёзадиган асбобдан фойдаланилди. Унинг кириш қисмига ФЭнинг кучланиши ҳамда токи уланди. Ўзи ёзадиган асбоб автоматик тарзда ҳар бир нуктани ўлчаш учун 8 секунд талаб этиб, ФЭдан тесқари ва тўғри ўтадиган $J=1A$ гача токнинг қийматини чизиб берди.

Яратилган технология асосида тайёрланган ФЭларнинг салт юриш кучланишнинг қийматлари 1 – жадвалда келтирилган.

1-жадвал.


	Материал маркаси,	500-525 мВ	525-550 мВ	550-575 мВ	575-600 мВ	600 мВ ортиқ
	$U_{c.ю}$					
1.	КДБ-0,5	1 %	5 %	7 %	78 %	9 %
2.	КДБ-10	10 %	85 %	5 %	0 %	0 %
3.	КЭФ-40	1 %	2 %	18 %	74 %	5 %
4.	КЭФ-4,5	5 %	59 %	34 %	2 %	0 %

Яратилган технология асосида тайёрланган ФЭларнинг қисқа туташув токининг қийматлари 2 – жадвалда келтирилган.


2-жадвал.

	Материал маркаси	5-14 мА	14-16 мА	16-18 мА	18-20 мА
	$J_{к.т.}$				
1.	КДБ-0,5	1 %	7 %	87 %	5 %
2.	КДБ-10	30 %	63 %	7 %	0 %
3.	КЭФ-40	1 %	88 %	9 %	2 %
4.	КЭФ-4,5	41 %	54 %	5 %	0 %

Яратилган технология асосида тайёрланган ФЭларнинг салт юриш кучланиши бўйича маълумотлар 1-жадвалда, қисқа туташув токи зичлиги бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Бунда ВАТни тўлдириш коэффициенти $FF=50-65\%$ оралиғида бўлди. ФЭларнинг параметрларини ўлчашда лаборатория шароитида яратилган қуёш нурланишининг иммитаторидан фойдаланилди.



10-расм. КЭФ-40 ва КЭФ-4,5 маркали кремний намуналари асосида тайёрланган ФЭларни зонд усулида $AM1,5 (700 \text{ Вт/м}^2)$ ёруғликда олинган ВАТ, $T=300\text{К}$.



11-расм. КДБ-0,5 ва КДБ-10 маркали кремний асосида тайёрланган ФЭларни зонд усулида $AM1,5 (700 \text{ Вт/м}^2)$ ёруғликда олинган ВАТ, $T=300\text{К}$.

Бунда атроф муҳит ҳарорати $T=25\text{ }^\circ\text{C}$ ни ташкил этди. Ўлчаш вақтида фотоэлементларнинг мувозанат ҳарорати махсус совутиш қурилмаларидан фойдаланиб, $T=15-30\text{ }^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида ушлаб турилди.

10 ва 11-расмларда яратилган технология асосида тайёрланган ФЭларнинг зонд усулида АМ1,5 (700 Вт/м²) ёруғликда бўлган спектр шароитида ВАТни ўлчаш натижалари келтирилди. Бунда бошланғич кремний пластиналари сифатида саноатда фойдаланиладиган 1) КДБ-0,5; 2) КЭФ-40; 3) КЭФ-4,5; 4) КДБ-10 маркалари ишлатилди.

Зонд усулида олинган ВАТ шуни кўрсатдики, кремний асосидаги ФЭлар 600, 700, 800, 900, 1000 ва 1100 °С ҳароратларда ишлов берилгандан сўнг тажрибалар таҳлили асосида, КДБ-0,5 маркали кремний асосидаги ФЭларга T=900 °С ҳароратда қўшимча ишлов берилганда никел киришма атомлари кластерларини тартибланиши ва электрофизик параметрларининг турғунлиги, бошқа маркали дастлабки кремний асосида тайёрланган ва қўшимча ҳароратларда ишлов берилган ФЭларниқидан юқори эканлиги аниқланди.


Диссертацияда ФЭларнинг сиртида ёруғликни қайтарувчи оксид қатлам SiO₂ шакллантирилди³. Бунда, ҳарорат ва вақтни бошқариб керакли қалинликдаги оксид қатламлар олинди. Сиртига яқин (0,5 мкм ораликда) p-n ўтишга эга бўлган ФЭларда мустақил равишда сиртни фронтал томонига бор атомлари лигерланган. ФЭлар сиртида қанча кам вақтда кремний оксид SiO₂ қатлами шакллантирилса, салт юриш кучланишининг U_{с.ю} қийматини оширишга эришилган. ФЭларда p-n ўтиш чуқурлиги 1,5 мкм дан катта бўлганда, бу қиймат камайган. ФЭларнинг параметрларининг камайиши, сиртдаги киришма атомларининг концентрациясини камайиши билан ёки p-n ўтишни сиртга нисбатан чуқурлигини ошиб бориши ҳамда қўшимча лигерлаш ҳароратида p-n ўтиш профилини тез ўзгариши билан тушунтирилди. Диффузия жараёнидан кейин бир текис занжирсимон кластерларнинг ҳосил бўлиши, SiO₂ ни шаклланишида ва қўшимча T= 900 – 1100 °С ҳароратли ишлов бериш оралиқларида кузатилди.

Ёруғликни қайтарувчи қопламаларининг самарадорлиги, ФЭларнинг бошланғич электрофизик параметрлари ва p-n ўтишнинг сиртга нисбатан чуқурлигини бошқаришда фойдаланилди. p – турдаги тагликни фосфор атомлари билан лигерлаганда ҳамда n – турдаги тагликни бор атомлари билан лигерлагандан сўнг ёруғлик таъсирида токнинг (фототок) жуда катта ўсиши тажрибада кузатилди. p-n ўтишни сиртга нисбатан чуқурлиги ва фронтал томонни бир хиллиги бошланғич киришма атомларининг қийматига боғлиқ экан. Шуни эътиборга олиш керакки, n- турдаги таглик бор атомлари билан лигерланса ва турли вақт оралиқларида қўшимча ҳароратли ишлов берилса, дастлабки ФЭларга нисбатан, никел киришма атомларига эга ФЭларнинг салт юриш кучланиши ва ФИКни оширишга эришиш мумкин экан. Яратилган технология асосида олинган ФЭларни салт юриш кучланишининг нисбий ўзгаришини никел киришма атомлари концентрациясига боғлиқлиги 12-расмда келтирилди. АМ 1,5 спектр бўйича оптимал параметрларга эга ФЭларни T=25 °С хона ҳароратида

³Е.Ю. Каныков, С.Е. Демьянов. Особенности электропереноса в наноструктурах Si/SiO₂/Ni в сильных магнитных полях. г.Минск, Беларусь.

қуйидагича электрофизик параметлари аниқланди: салт юриш кучланиши 590-595 мВ, қисқа туташув токи 18-19 мА/см², ВАТни тўлдириш коэффициентини FF=0,7-0,73 ва ФИК 18,5 % ни ташкил этди.

Сиртга яқин бўлган p – n ўтиш чуқурлигида ёруғликни оптимал қайтарувчи SiO₂ оксид қатлам қалинлиги аниқланди. Оксид қатлам қалинлиги 0,5 мкм гача бўлганда, p – n ўтиш чуқурлиги 1000 – 1100 Å бўлди. Оксид қатлам қалинлиги 1 ÷ 1,5 мкм гача бўлганда, p – n ўтиш чуқурлиги 1150 ÷ 1200 Å ни ташкил этди. ФЭларнинг бошланғич ҳолатдаги p – n ўтиш чуқурлиги ва SiO₂ қатлам қалинлигига боғлиқ ҳолда фототокнинг қийматларини ~30% гача ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.




1) КДБ-10 маркали кремнийга фосфор атомлари диффузияси орқали p-n ўтиш ҳосил қилинган;

2) КЭФ-40 маркали кремнийга бор атомлари диффузияси орқали p – n ўтиш ҳосил қилинган;

3) КЭФ-4,5 маркали кремнийда бор атомлари диффузияси орқали p-n ўтиш ҳосил қилинган ФЭлар учун.


12 – расм. ФЭлар салт юриш кучланишининг нисбий ўзгаришини никел атомлари концентрациясига боғлиқлиги.

Никел киришма атомлари билан қўшимча легирланганда фотоэлементлар токининг қиймати киритилаётган киришма никел атомларининг концентрациясини ортиши билан камаяди. Никел киришма атомларининг $2 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ концентрациясида ФЭларнинг қисқа туташув токини камайиши 90 – 95 % бўлиб, дастлабки фотоэлементларнинг токидан кичик бўлди. Структураларни никел киришма атомлари билан легирланганда токнинг бошланғич қийматини камайиши 50 – 60% ни ташкил этди. Чегаравий ҳолатларда, кичик энергетик сатҳли донор киришмаларни никел атомлари билан компенсация қилинганда ФЭларнинг қисқа туташув токи нолгача камайди.



13 – расм. Никел киришма атомларининг концентрациясига боғлиқ ҳолда ФЭларни қисқа туташув токини нисбий ўзгариши.

13 ва 14-расмларда никел киришма атомлари билан қўшимча легирланган ФЭларнинг қисқа туташув токини киришма атомларининг концентрациясига боғлиқ нисбий ўзгариши келтирилган.



- 1) КДБ – 10 маркали кремнийга қўшимча фосфор атомлари ҳамда
- 2) КЭФ – 4,5 маркали кремнийга бор атомлари диффузия қилиб олинган ФЭларни қисқа туташув токини киришма атомларининг концентрациясига боғлиқ нисбий ўзгариши.

14 – расм. Никел киришма атомларининг концентрациясига боғлиқ ҳолда ФЭларни қисқа туташув токини нисбий ўзгариши.

Олинган натижалар таҳлили асосида, ФЭларнинг ФИКни ошишига сабабчи бўладиган қўшимча киришма атомлар билан лигерлашдаги концентрация миқдори қандай бўлиш кераклиги аниқланди. ФЭларни никел киришма атомлари билан қўшимча лигерлаганда концентрация миқдори $10^{15} \div 6 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ оралиғида бўлганда ФЭларни самарадорлиги ошди. Дастлабки кремний пластиналарини таглик сифатида фойдаланганда кичик энергетик сатҳ ҳосил қиладиган киришма атомларининг концентрацияси 10^{17} см^{-3} дан кам бўлса, ФЭларнинг самарадорлигини ошириш мумкин эмаслиги аниқланди.

Юқорида баён этилган технология асосида Ni киришма атомларининг диффузияси амалга оширилди.

3 – жадвалда, дастлабки кремнийга $T=1220 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда Ni киришма атомларининг диффузиясидан сўнг асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг яшаш вақтини ўзгариш натижалари берилган.

3-жадвал.

Si маркаси	КДБ-0,5	КДБ-10	КЭФ-40	КЭФ-4,5
Бошланғич τ (мкс)	5-9	5-12	10-13	12-17
Киришма	Ni	Ni	Ni	Ni
Ҳароратли ишлов беришдан сўнг τ (мкс)	6-10	8-12	12-14	16-18

